

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 24 сентябрь пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 191 (1972)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тармоғини яратиб ва ривожлантириш, уларни республика ҳудудида мақбул жойлаштириш ва замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифаларни рўйба чикариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тасдиқлансин.

2. Белгилансинки: бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари, корхоналар ва ташкилотлар, ҳомиёларнинг ўз маблағлари, хорижий кредитлар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юкланди;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш мунтазам дастурларини, академик лицейларни ва касб-хунар коллежларини қайта ихтисослаштириш ва ишга туширишни аниқ ҳудудий дастурларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, унда қуйидаги принциплар асос қилиб олинсин:

таълим муассасаларининг янги турларига қўйилаётган талабларга мувофиқ академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини барпо этиш учун фаолият кўрсатиб турган ўрта

махсус ва хунар-техника таълим муассасаларининг моддий-техника базасидан, шунингдек бошқа бинаорлар, иморатлар ва қурилиши тугалланмаган объектлардан юқори даражада фойдаланиш;

ишлаб чиқариш амалиёти базалари ва ўқувчиларнинг яшаш жойлари яқинлигини ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларини оқилона ихтисослаштириш ва жойлаштириш. Зарур ҳолларда яшаш жойи узоқ бўлган ўқувчилар учун ётоқхонада яшаш шароитлари яратиб;

академик лицейларни, қандага кўра, олий таълим муассасалари ҳузурда, шунингдек юқори малакали педагог кадрлар мактабига эга бўлган шаҳарларда ва туманлар марказларида ташкил этиш;

9-синф битирувчиларини 2005-2006 ўқув йилидан кечиктирмай ўқитишни янги шакллари билан қамраб олган ҳолда уларни янги ташкил этилаётган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига босқичма-босқич қабул қилиш;

бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва маблағ билан таъминлашни муқобил манбаларини, шу жумладан корхоналар ва ташкилотлар, ҳомиёлар маблағларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

Минтақавий дастурларда ишга туширилаётган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари аниқ рўйхатларини шакллантириш назарда тутилсин ва Дастур топшириқларининг бажарилиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

1999-2005 йиллардаги даврда ҳар йили ишлаб чиқилаётган республика инвестиция дастурларида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастурининг амалга оширилишини таъминловчи ҳажмларда лимитлар ва маблағ билан таъминлаш манбалари (шу жумладан, бюджет маблағларини) назарда тутилсин, зарур ҳолларда илгари қабул қилинган инвестиция дастурига киришин.

турлари ва лойиҳаларни амалга ошириш мuddатлари ва маблағ билан таъминлаш манбаларини қайта қўриб чиқсинлар;

Дастурни амалга ошириш учун имтиёзли шартларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича, ушбу мақсадлар учун Ҳукумат қафолати берилишини ҳисобга олган ҳолда, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури топшириқларининг бажарилиши амалиётини ҳисобга олган ҳолда зарур ҳолларда унинг кўрсаткичларига киритилиши мумкин бўлган тузатишлар тўғрисида таклифлар тақдим этсинлар.

5. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига:

касб-хунар коллежларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминласинлар;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш мунтазам дастурларига мувофиқ ўз балансидаги ўрта махсус ва хунар-техника таълим муассасаларини қайта ихтисослаштирсинлар.

6. Белгилансинки: юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади (фоидаси) касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига, уларни реконструкция қилишга, қайта ихтисослаштиришга ва жиҳозлашга йўналтириладиган фойда суммасига қамаяди;

таълим муассасаларини жиҳозлаш учун импорт қилинадиган ўқув лаборатория асбоб-ускуналари бож тўловларидан озод этилади.

7. Белгилансинки, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш молиявий ресурсларнинг топилишига қараб босқичма-босқич амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Олий ва ўрта мах-

сус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш нормативларини, қурилишлар сметасига кирувчи асбоб-ускуналарни алоҳида сатрга ажратган ҳолда, 1998 йил охиригача ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

8. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан бош буюртмачи функцияларини бажариш Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят дирекцияларига юклансин, бош пудратчи этиб эса, қандага кўра, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ҳудудий ихтисослаштирилган қурилиш трестлари белгилансин.

Белгилансинки, Минтақавий дастурларнинг бажарилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шахсан жавоб берадилар.

9. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда 1998 йил 1 декабрдан 1999 йилда қуриладиган объектлар бўйича тендер ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда тайёрласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги касб-хунар коллежларини таълим ҳўжаликлари ва ёрдамчи ҳўжаликлар ташкил этиш учун қамда 20 тектар ер майдони билан таъминласинлар.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарори билан тузилган Ҳукумат комиссияси 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури топшириқларининг бажарилиши устидан доимий мониторингинг таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Х. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь.

шор мақбарасини, музей ҳамда боғини таъмирлаш, янги экспонатлар билан боғитиш, ободонлаштириш ишларини амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Огаҳий сурати тасвирланган почта маркалари, конвертлар чиқаришни ташкил этсин.

6. "Узелтеледио" компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Огаҳийнинг ўзбек алабиди ва тарих илминини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, ҳаёт йўли аке этган кўрсатувлар, шунтиришлар ташкил этиш, мақолалар уюштириш ҳамда шўир асарлари асосида видеофильмлар яратиш топширилсин.

7. Белгилал қуйилсинки, Огаҳий юбилейини ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар вазириликлар ва идораларнинг режадаги ўз, маҳаллий бюджет ва ҳомиёлар маблағлари ҳисобига қоланди.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь.



Наманган туманидаги «Ижодкор» агрофирмаси далаларида муваффақиятли еттиштирилди. Эндики гап уни ёғин-сочилик куллари қолдирмай йиғиб олишда. Шу мақсадда мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари қўрилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙ ИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида

Жамият ҳаёти барча соҳаларини ислох қилиш жараёнини чуқурлаштиришнинг стратегияси, асосий тамойиллари ва устувор йўналишларини ишлаб чиқишга кўмаклашишни, ўтиш даврида республика иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари ва фаолият шарт-шароитини шакллантириш, демократик ислохотларни рўйба чикаришни тезлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, Ўзбекистоннинг жаҳон тизимига интеграциялашишни, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Иқтисодий ислохотлар, тadbirkorлик ва хорижий инвестициялар бўйича идораларо кенгаш тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилсин.

Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги мақсадли орган бўлиб, жамоатчилик асосида ишлайдиган жамиятнинг демократик асосларини мустақамлаш, қўнчилик ва ҳуқуқий-меъриий базани такомиллаштириш, иқтисодий, молиявий, банк ҳамда маъмурий ислохотлар соҳасида янги куч бағишлаш мақсадида кенгаш доирасидаги муаммолар бўйича тавсия тартибдаги қарорлар қабул қилади.

2. Қуйидагилар Ислохот ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва олға қараб ижтимоий-иқтисодий тарақ-

қувчи кенгаш тўғрисидаги Низоми тасдиқлансин.

5. Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи аппарати вазифасини бажариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиебат бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати экспертлари туруви зиммасига юклансин.

6. 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳуқуқий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тadbirkorликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 745-Фармоннинг 1-пункти;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Иқтисодий ислохотлар, тadbirkorлик ва хорижий инвестициялар бўйича идораларо кенгаш ташкил этиш тўғрисида"ги 760-Фармонини ўз қучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармонини ижросини назорат қилиш Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини И.Х. Жўрабеков ва Президентининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь.

ОБУНА-99

ЯҚИН СУХБАТДОШ

Ҳақма буюк яшар, улкан қуранилар, яратувчилар, ризққа тўла дилларимизда тоғ-тоғ хирмон бўлиб эгани, албатта. Сиз оғоз замонавийга тўғайдилар. Шу бонс мамлакатимизнинг энг яқин нажрларидан бири «Халқ сўзи» сазифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолди. Янги Сизнинг манфаатларингиз, ўй-орзуларингиз олиб чиқилди.

«Халқ сўзи» халқиники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати нофодаланма бўлди. Ҳар қандай тўқималардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холи суҳбатдош ис-тасангиз, юртимизнинг келажиги, Ватанимизнинг ҳамма ўғайиллар бўйича ўсиб ва ўлайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан боғлиқ бўлинг.

Элимиз дастурхонини тўқин-лиги, Ватанимиз қамолоти учун тиниб-тиничмаётган фи-



дой раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.

Анлизлар, шу кунларда обуна мавсуми бошланди. 1999 йили-мизда рўй беражак воқеалар билан биримизнинг тақдиримиз ҳамда бевосита чамбарчас кечилди, албатта.

Ҳаётнинг ўнги яраша ангиликлари, турли-туман воқеалари бағрига олиб янги кун бошланади. Тонг отади. Ана шу беғубор, сокин тонг нафаси,

кайфияти заминни тарқ этмай туриб, тафсилотлар эинингиз оған «Халқ сўзи»ни қўлга оласиз. Фикрингизни чарқайтасиз. Маънавий қанқоқлик ҳовури босилмайди. Бу ҳеч нарса билан ўчмайди ва қўлимизни тастамадан беҳра қилишни ниятмаган юртдошларимизга эса

нажр кўрсаткичларимизни эслаб ўтамиз:

Яқин обуначилар
учун — 166.
Ташкилотлар
учун — 167.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Халқимизнинг миллий маданияти, маънавияти ва маърифати тараққийига улкан ҳисса қўшган атоқли шўир, таржимон, таржимон, давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли — Огаҳийнинг адабий-илмий меросини янада кенг тарғиб қилиш ҳамда миллий қадриятларини асраб-авайлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг 1999 йилда республикамизда Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига таъбирлар қўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси тарқиб тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда оғоз мuddатда юбилейга таъбирлар қўриш, уни ўтказиш таъдирлари режасини ишлаб чиқариш ва амалга оши-

ришга киришин.

2. Ўзбекистон Фанлар академияси:

— Хоразм Маъмуни академияси билан биргаликда 1999 йил декабрь ойда «Шарқ халқларининг маънавий-маърифий тараққийида Огаҳий адабий-илмий меросининг аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказсин;

— Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва тегишли вазирликлар билан биргаликда 1998-1999 йиллар давомида шўирнинг бадиний, илмий-тарихий меросидан «Танланган асарлар»ини ҳамда Огаҳий ҳақидаги рисола, мақолалар тўпламининг тайёрласин ва chop этсин.

3. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирли-

ги, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан биргаликда 1999 йил декабрь ойда Урганч шаҳрида Огаҳий юбилейига бағишланган тантаналарни ташкил қилсин ва ўтказсин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда тегишли идоралар билан биргаликда маҳаллий бюджет ва ҳомиёларнинг маблағлари ҳисобига Огаҳий номи билан аталувчи маъмуу тарқибга кирган иншоотларни, жумладан, Хива туманидаги

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**

Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

Республика валюта бозорининг бундан бўён ҳам эркинлашувини таъминлаш, фуқароларнинг валюта омонатларини очигина бўлаган манфаатдорлигини ошириш, банк хизматларининг халқаро амалиёт талабларига мос замонавий турларини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларга мижознинг исм-фамилияси сўралмайдиган усулда эркин муомаладаги хорижий валютада ҳисоб очишга рўхсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг 1998 йил августини бўйича мижознинг исм-фамилияси сўралмайдиган усулда эркин муомаладаги валютада ҳисоб очиш ва улрга хизмат кўрсатиш босқисиди таърибасини умумлаштириб, уни бошқа ваколатли банклар ўртасида оммалаштирсин.

2. Ваколатли банкларга жисмоний шахсларга эркин муомаладаги омонат ҳисоби бўйича операциялар ўтказиш учун омонат ҳисобиди валютада воситачилик ҳақи ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

3. Республиканинг ваколатли банкларига:

омонатчиларга эркин муомаладаги валюта омонатларини сақлаш ва уларни ҳеч бир шартсиз қайтариб бериш ҳамда омонат ҳисобиди валютада қўйиладиган фоизларни тўлаш бўйича тегишли қафолатлар бериш;

жисмоний шахсларнинг эркин муомаладаги валютадаги омонатлари бўйича ўзаро фойдали шартлардаги фоиз ставкаларининг янги, ошиб борадиган шқалларини:

ни жорий этиш:

амалдаги қўнучиликка бинаон, шахсий омонатлар, улар бўйича амалда ошириладиган операциялар банкда сир сақланишига таъминлаш;

эркин муомаладаги валютада омонатлар очишини қўлайлиги ва фойдали эканлигини аҳолига етказиш мақсадида зарур тушунтириш ишлари ва реклама тадбирларини ўтказишни ташкил этиш тавсия қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунда белгиланган тартибда резидент ва норезидентларнинг омонатлари ҳамда бу омонатлар бўйича ўтказилган операциялар ҳуқуқиди омонат сирининг очирилишига олиб келадиган гаирқонуний ахборот олишга уринишларнинг олдини олсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси бир ой мuddат ичда амалда идоравий-меъриий ҳужжатлар ва йўриқномаларни мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини У.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 сентябрь.

